



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

2019 йил “13” апрель

№ 336

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил  
10 апрелдаги ПҚ-4278-сонли  
қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистондаги Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4278-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик хузуридаги ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистондаги Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги (кейинги ўринларда – Университет) ПҚ-4278-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқларининг Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Университетни ташкил этиш даврида унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, юридик, иқтисодий, ўқув-услубий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этишда муассисга кўмаклашиши инобатга олинсин.

3. Бош юрисконсулт (Р.Сулейманова), Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов)га муассис билан биргаликда бир ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва келишилишини, шунингдек, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан Андижон шаҳрида ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Бош юрисконсулт (Р.Сулейманова) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. Инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бошқармаси (Қ.Қуролов) Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 73-уй манзилида жойлашган Андижон саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг бино ва



иншоотлари ҳамда унга туташ ҳудуд оператив бошқарув ҳуқуқи билан Андижон машинасозлик институтига берилиши ҳамда кейинчалик уларда Университет бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилишини таъминласин.

6. Касб-ҳунар таълими маркази (М.Холмухамедов) Андижон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг ўқувчилари ўқишни тамомлагунларига қадар Андижон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган 2-Андижон маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг биноларида ўқишини давом эттиришини таъминласин.

7. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (М.Хамраев) Андижон машинасозлик институтига берилган Андижон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда Университетни мебель, инвентарь, ўқув ва илмий асбоб-ускуналар, ташкилий техника, компьютерлар, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш билан боғлиқ ишларни молиялаштириш Муассис маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назоратга олсин.

8. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов